

Аллоҳ қандай туширган бўлса, шундай ҳолда ўқи



14:00 / 12.07.2021 3035

Аллоҳ таолонинг охирги китоби бўлмиш Қуръони Каримнинг тиловати ҳам нафс поклиги ва ахлоқ сайқалига катта таъсири бор омилдир.

Қуръони Карим тиловати деганда унинг ҳарфларини жойига қўйиб, аниқ талаффуз ила ва тажвид қоидаларига мувофиқ тарзда шошилмасдан ўқиш тушунилади.

Қуръони Каримда унинг тиловати ҳақида олтмиш еттита оят келган. Қуръони Карим тиловати жуда ҳам фазилатли амал ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

أَرْسُمْهُ أَنْ قَرَرْنَا مِمَّ أَوْقَفْنَا أَوْ عَلَّصْنَا أَوْ مَاقَا أَوْ جَلَّلْنَا بِأَتِكَ نَوْلْتِي نِيْدَلَانِ
رُوبَتِ نَلَّ عَرَا جَتِ نَوْجُرِيَّ عَيْنَالَعَوِ

رُوكَشِ رُوفَعُهُ نِإِوَلِصَفِ نَمَّ مَهْدِيَّيَ وَ مَهْرُجُأُ مَهْيَ فَوْيَلِ

«Албатта, Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўқис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора нафақа қиладиганлар ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар. У Зот уларга ажрларини тўлиқ қилиб бериши ва Ўз фазлидан

зиёда ҳам қилиши учундир. Албатта, У ўта мағфиратлидир ва кўп савоб берувчидир» (29-30-оятлар).

Яъни Аллоҳ таоло ўта мағфиратли Зотдир. Қуръон тиловат қилган, намозни тўқис адо этган, инфоқ-эҳсон қилганларнинг гуноҳларини мағфират этади.

Аллоҳ таолонинг Китобини тиловат қилиш унга кўз югуртириб чиқиш ёки ёдлаб олган жойини шуурсиз такрорлаш эмас. Қуръон тиловати уни бутун вужуд билан ҳис этган ҳолда тадаббур ила ўқиб, унга амал қилишдир.

Ҳа, Қуръон тиловати ниҳоятда зарур. Шунинг учун ҳам оятда мўминларга хос сифатлар ичида биринчи ўринда Қуръон тиловати келмоқда. Аввал айтиб ўтилганидек, ҳақиқий тиловат ўзидаги зикр қилинган ҳукмларга амал этишга чорловчи тиловатдир.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

**نَمَوْبَ نُونٍ مُّؤَيِّنٍ وَرَوَّالَتْ قَحْهُنَ وَوَلَّتِي بَابَاتٍ كَلَّالٍ مُّهَانٍ خِيَا نِي دَلَّالٍ
نُورَسِ الْخَلَّالِ مُهَ كَلَّالٍ وَأَفِوَبُ رُفُكَي**

«Биз китоб берганлардан уни ўрнига қўйиб тиловат қиладиганлари – ана ўшалар унга иймон келтирадилар. Ким унга куфр келтирса, ана ўшалар – ўзлари зиён кўрувчилардир» (121-оят).

Кимки Қуръони Каримни инсоф билан, ўрнига қўйиб ўқиса, унга иймон келтириш зарурлигини тушуниб етади. Бу улкан ҳақиқатни ушбу ояти кариманинг биринчи жумласидан тушуниб оламиз.

«Биз китоб берганлардан уни ўрнига қўйиб тиловат қиладиганлари – ана ўшалар унга иймон келтирадилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «ўрнига қўйиб тиловат қилиш»ни: «Ҳалол деганини ҳалол билиб, ҳаром деганини ҳаром билиш; Аллоҳ қандай туширган бўлса, шундай ҳолда ўқиш, маъноларини бузмаслик, ўзича нотўғри таъвил қилмаслик», деб шарҳлаганлар.

Шу ва шунга ўхшаш шартларга амал қилиб, инсоф билан тиловат этганлар иймонга келиб, икки дунё саодатига эга бўладилар.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

نَوْمَ حُرَّتٍ مُّكَلَّلَةٍ أَوْصِنَّا وَهَلْ أَوْعَمَتْ سَافِنَ أَرْقُلٍ أَعْرُقِ ادِّو

«Қачон Қуръон тиловат қилинса, унга қулоқ солинглар ва жим туринглар, шояд, раҳм қилинсангиз» (204-оят).

Ушбу оятдан уламоларимиз Қуръони Карим тиловат қилинганда жим туриб қулоқ солиш вожиблиги ҳақида ҳукм чиқарганлар.

Ханафий мазҳаби уламолари эса «Намозда имом қироат қилганида иқтидо қилувчилар жим қулоқ солиши лозим», деган ҳукмни ҳам чиқарганлар.

Умуман, Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи, уни ўқиш, тинглаш, ўрганиш ва унга амал қилиш зарурий ишдир. Ҳар бирининг ўзига яраша зарурати ва ҳаловати бор.

Энди Қуръони Каримнинг фазли ҳақида Пайғамбар алайҳиссалом айтган ҳадиси шарифлардан баъзиларини ўрганишга Аллоҳ таолодан мадад сўраган ҳолимизда ҳаракат қиламиз.

لَا تَقْلِبْ يَدَيْكَ فِي الْقُرْآنِ حَتَّى يَخْرُجَ عَلَيْكَ مِنْهُ لِقَاءُ رَبِّكَ
«يَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ وَأَنْتَ مُخَوِّفٌ لِمَنْ فِي الْقُرْآنِ»

Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир», дедилар».

Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

لَا تَقْلِبْ يَدَيْكَ فِي الْقُرْآنِ حَتَّى يَخْرُجَ عَلَيْكَ مِنْهُ لِقَاءُ رَبِّكَ
«يَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ وَأَنْتَ مُخَوِّفٌ لِمَنْ فِي الْقُرْآنِ»

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қуръонга моҳир бўлган киши мукаррам, ўта яхши фаришталар билан бирга бўлади. Ўқиганда қийналадиганга икки ажр бордир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

لَا تَقْلِبْ يَدَيْكَ فِي الْقُرْآنِ حَتَّى يَخْرُجَ عَلَيْكَ مِنْهُ لِقَاءُ رَبِّكَ
«يَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ وَأَنْتَ مُخَوِّفٌ لِمَنْ فِي الْقُرْآنِ»

يَفِ نِيَّوَامُوكِ نِيَّتَقَانِ بُوْنَمِ يَتَأَيَفِ قِيَقَعْلَا يَلَا وَأَنَا خَطْبُ يَلَا مَوِي
 لَأَقِ لَكَ دُبْحُنَ أَنْ لَكَ هَلْ لَلْ أَلْ وَسَرَّ آي: «أَنْ لَقَفِ» فِي مَخْرَعِ طَقِ الْوَمِثِ إِزِي غِ
 بَابِكَ نَمِ نِيَّتِي أَمَّ لَعَتِي فَيَجْسَمُ لَا يَلَا مَوِي لَكَ مُكْدَحًا وَدُعِي نَأَلِ فِ
 رُزِي خُغْرًا وَثَالِثُ نَمِ هَلْ رُزِي خُثَالِثُ وَنِيَّتَقَانِ نَمِ هَلْ رُزِي خُجَّوْ زَعِ هَلْ لَلْ
 «لَبَّ إِلَا نَمِ نَوْدَانَعُ نَمِ وَبِعْ بَرَأُ نَمِ هَلْ».

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқдилар. Биз суффада эдик. У зот:

«Қай бирингиз Бутҳон ёки Ақийққа ҳар куни бориб, гуноҳ қилмасдан ва қариндошлик алоқасини узмасдан иккита катта ўркакчи туя олиб келишни хоҳлайди?» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ҳаммамиз ҳам буни жуда хоҳлаймиз», дедик.

«Албатта, бирингизнинг ҳар куни масжидга келиб, Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидан икки оят ўрганмоғи иккита туядан яхшидир. Учтаси учтадан яхшидир. Тўрттаси тўрттадан яхшидир. Адади қанча бўлса, шунча туядан (яхши)», дедилар у зот».

لَأَقِ مَلَسُو هِي لَعِ لَلْ يَلْ صِي بِنَلَا نَعِ هُنَّ عُهُ لَلْ يَصْرَرَةَ رِي رُهُ يَبَأُ نَعِ
 يَلَا أَقِي رَطِبُ هَلْ هَلْ لَلْ لَّ هَسْ أَمَّ لَعِ هِي فِ سَمْتَلِي أَقِي رَطِبُ كَلَسُ نَمِ وَ
 هَلْ لَلْ بَابِكَ نَوُلْتِي هَلْ لَلْ تَوُيُبُ نَمِ تِي بِي فِ مُوقِعَ مَتَجَا أَمِو، نَعِ لَلْ
 هَلْ مَخْرَجُ رَلْ أَمَّ هَتِي شَعِ وَ هُنَّ يَكْسَلُ أَمَّ هِي لَعِ تَلَزَنُ أَلْ أَمَّ هُنَّ يَبُ هُنَّ وَسَرَادَتِي وَ
 دَوَادُ وَبَأُ مَلَسُ مَأْمُورُ. «هُنَّ نَمِ يَفِ هَلْ لَلْ أَمَّ رَكَدُو، هُنَّ كَلَّيْ أَلْ أَمَّ هُنَّ فَحَّ وَ»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг Китобини тиловат қилсалар, уни ўзаро ўргансалар, албатта, уларнинг устига сакина тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб оладилар ва Аллоҳ уларни Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади», дедилар».

Икки ҳадисни Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

هِي لَعِ لَلْ يَلْ صِي بِنَلَا نَعِ هُنَّ عُهُ لَلْ يَصْرَرَةَ رِي رُهُ يَبَأُ نَعِ
 لَّتْرَتُ تَنْ كَأَمَّ كَلَّتْرُو قَتْرَاوْ أَرْقَا: نَأَرْقُلَا بِحِصْلُ لَأَقِي: لَأَقِ مَلَسُو

يُذِمُّرَّتْ لَو دَوَادُ وَبَأُ هَاوَرُ. «أَهْ أَرْقَتِ عَيْ آرْخَ آذَنْ عَكَتَلْ زَنْ مَّ نِإْفِ، أَيُّ نُدْلَا يَفِ

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қуръон соҳибига: «Қироат қилиб кўтарилавер. Дунёда қандоқ тартил қилган бўлсанг, худди шундоқ тартил қил. Албатта, сенинг манзилинг охирги қироат қилган оятингнинг маконидан бўлади», дейилади».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

يَلْأَقْ مَلَسُو هَيْ لَع هَلْ لَإِ يَلْ صَيَّبْ لَإِ نَعُ، هُنَّ عُهُ لَلْ أَيْ ضَرَّهَ زَيْرُهُ يَبَأُ نَعُ
يَمَّ أَرْكَلْ أَجَاتُ سَبْلُ يَفِ، هَلْ حَبَّرَ أَيُّ؛ لَوْ قَوَّيْ فَمَ أَيُّ قَوْلًا مَّوَيُّ نَأْرُقْلًا، يَجِي
هُنَّ عَضْرَابُ أَيُّ؛ لَوْ قَوَّيْ مَّ ثَمَّ، يَمَّ أَرْكَلْ أَلْ حُسْبُ لُ يَفِ، هُنَّ دَرَّبُ أَيُّ؛ لَوْ قَوَّيْ مَّ ثَمَّ
هُوَرُ. «نَسَحَ عَيْ أَلْ كَبُّ دَارْتُو، قَرَاوْ أَرْقَا؛ هَلْ لُ لَقَوَّيْ فِ، هُنَّ عَضْرَابُ يَفِ
يُذِمُّرَّتْ لَإِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қуръон қиёмат куни келиб:

«Эй Роббим, унга сарпо бер», дейди. Бас, унга каромат тожи кийдирилади. Сўнгра у яна:

«Эй Роббим, зиёда қил», дейди. Шунда унга каромат сарпоси кийдирилади. Сўнгра у яна:

«Эй Роббим, ундан рози бўл», дейди. Бас, У Зот ундан рози бўлади. Сўнгра унга:

«Қироат қил ва кўтарилавер. Сенга ҳар бир оят учун бир ҳасана зиёда қилинади», дейилади».

Термизий ривоят қилган.

مَّوَيُّ أَجَاتُ هَادِلْ أَوْ سَبْلُ هَيْ فِ أَمْبَلْ مَعَّ وَ نَأْرُقْلًا أَرْقُ نَمَّ، دَوَادُ يَبَأُ لَو
تَنَّاكُ وَّلْ، أَيُّ نُدْلَا تَوَيْبُ يَفِ سَمَّ شَلْ أَوْ وَضُ نَمُّ نَسَحَ أُهُ وَ وَضُ مَ أَيُّ قَوْلًا
«أَدَوَبَ لَمَّ عَيْ دَلَّابُ مُمْ كُنَّ ظَامَ فِ مَّ كَيْ فِ

Абу Довуднинг ривоятида:

«Ким Қуръонни ўқиса ва унда бор нарсага амал қилса, унинг ота-онасига қиёмат куни зиёси, агар ичингизда бўлса, бу дунё уйларидаги қуёш зиёсидан ҳам яхшироқ бўлган тож кийдирилади. Энди бунга амал қилганга нима бўлишини ўзингиз билиб олаверинг», дейилган.

«Руҳий тарбия» китобидан